

**“ТАСДИҚЛАНГАН”
“O‘zenergositish” АЖ
Ягона акциядорининг
2024 йил 29 ноябрдаги
9-сонли қарори билан**

**“O‘ZENERGOSITISH” АЖ ИЖРО ОРГАНИ РАЎБАРИ ВА АЪЗОЛАРИ
ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

Тошкент - 2024 йил

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартиб “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 24 апрелдаги ПҚ-4720-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2019 йил 14 январдаги ПҚ-4112-сонли Қарори ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ “O‘zenergositish” акциядорлик жамиятининг (кейинги матнда - Жамият) Ижро органи раҳбари ва аъзоларини лавозимига танлаб ўтказиш тартибини белгилайди.

Танловни ўтказишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- ошкоралик - танловнинг бошланиши, уни ўтказиш тартиби, танлов мезонлари ва танланган номзодлар ҳақидаги маълумотларнинг эълон қилиниши орқали таъминланади;

- мунтазамлик - Кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда танлов ўтказиш орқали таъминланади;

- рақобатбардошлик - Тартибда белгиланган мезонлар бўйича номзодлар малакаси ва касбий фазилатларини баҳолаш орқали таъминланади.

2. Жамият Ижро органи раҳбари ва аъзоси лавозимига танлов (бундан кейинги матнда - танлов) Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан номзодлар бўйича келиб тушган таклифлар асосида ўтказилади.

3. Ижро органи раҳбари ва аъзолари лавозимига номзодлар сифатида малакали ходимлар, Жамиятнинг раҳбар ходимлари, шунингдек, тегишли соҳада зарурий малака ва иш тажрибасига эга бўлган бошқа шахслар, жумладан, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин.

4. Ижро органи раҳбари ва аъзолари лавозимига номзодлар бўйича таклифлар Жамият акциядорлари ва номзодларнинг ўзлари томонидан киритилиши мумкин (бундан буён матнда - ташаббускорлар).

5. Танлов ўтказиш муддатларини белгилашда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Жамиятга таклифларни тақдим этиш учун белгиланган муддатлар ҳисобга олиниши лозим.

6. Танлов бўйича қарорлар Кузатув кенгаши мажлисида қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

Кузатув кенгаши раиси танловни ўтказишда Жамиятнинг ишчи органи вазифасини бажарувчи масъул бўлинмани белгилайди.

II. Танловга тайёргарлик

7. Ташаббускорлар танлов эълон қилинганидан кейин 15 кун ичида (агар

бошқа муддат Кузатув кенгаши томонидан белгиланмаган бўлса ёки эълон қилинмаган бўлса) номзодлар ҳақидаги маълумотларни тақдим этадилар.

8. Номзод сифатида қуйидаги шахслар қатнаша олмайдилар:

- олий маълумотга эга бўлмаганлар;

- раҳбарлик лавозимида камида икки йиллик иш тажрибасига эга бўлмаган шахслар;

- уларнинг айби билан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги сабабли лицензиянинг амал қилиш муддати тугатилган вақтда юридик шахснинг таъсисчилари бўлган, яккабошлик ижро этувчи орган функцияларини бажарган ёки коллегиял ижро этувчи орган таркибига кирган шахслар (агар бундай тугатилган вақтдан уч йил ўтмаган бўлса);

- иқтисодий соҳадаги жиноятлар ёки Ҳукумат қарорларига ва Давлат тартибига қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлиги ўталмаган (қопланмаган) ҳолати мавжуд бўлган шахслар;

- суд ҳукми билан маълум муддат давомида корхоналарда, муассасаларда ёки ташкилотларда муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш тақиқланган шахслар;

- “банкрот” деб топилган юридик шахснинг (“банкрот” деб топилган вақтдан икки йил ўтмаган) яккабошлик асосида ижро этувчи органи вазифасини бажарган ёки ушбу юридик шахснинг коллегиял ижро этувчи органи таркибига кирган шахслар;

- Кузатув кенгашининг бошқа аъзоси билан қариндошлик ёки яқинлик муносабатларига эга бўлган шахслар.

9. Ташаббускорлар Жамиятга тақдим этилган номзодлар тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилигини, янгилигини ва ҳаққонийлигини таъминлайдилар.

10. Ташаббускорлар танловга номзодлар тўғрисидаги маълумотларни, номзоднинг танловда қатнашишга розилиги, тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги тўғрисидаги кафолатномаси ва танловда ғолиб бўлса шартнома тузишга розилигини ўз ичига олган аризани илова қилиб, ёпиқ конвертда тақдим этадилар.

III. Танловни ўтказиш

11. Белгиланган муддатга қадар келиб тушган номзодлар ҳақидаги маълумотлар ҳар бир мезон (номзоднинг маълумоти, мутахассислиги, касбий малакаси, бошқарув маҳорати, бошқарувчи ва раҳбар сифатида иш тажрибаси, хорижий тилларни билиши, корпоратив бошқарув соҳасидаги қонунчиликни билиши) бўйича номзодга бериладиган баллар асосида умумлаштирилади.

12. Номзодларни баҳолаш уларга ушбу Низомнинг 11-бандида келтирилган мезонлар бўйича берилган якуний баллар асосида амалга оширилади.

13. Кузатув кенгаши танловнинг натижаларига кўра барча номзодлар бўйича

таклифларни қонунчилик ва Жамият устави билан белгиланган тартибда ва муддатларда, балларни кўрсатган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилишига (ягона акциядорга) кўриб чиқиш учун киритади. Шу билан бирга, Ижро органи раҳбари ва ўринбосари лавозимлари учун номзодларни танлаш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

14. Ташаббускорлар номзодни алмаштириш зарурати келиб чиққан ҳолатлар ҳақида Кузатув кенгашига дарҳол хабар беришлари лозим.

15. Ушбу Тартиб талабларига риоя этилишини назорат қилиш Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади ва унинг талабларини бузган шахслар қонунчилик билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.